



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 30 август, № 178 (7136) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИМКОНИАТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 август куни Тошкент вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бекобод шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг 2018 йил 9 январдаги «2018 — 2020 йилларда «Ўзметкомбинат» АЖни ривожлантириш дастури тўғрисида» қарори ижроси доирасида комбинатда катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи шулардан бирidir. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида 60 миллион долларлик

лойиҳа асосида замонавий, энергия тежовчи ва илгор технологиялар билан жиҳозланган ушбу цех ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда корхона ишчи-ҳодимлари, соҳа мутасаддилари, хориқлик инвесторлар иштирок этди.

— Комбинат имкониятларидан унумли фойдаланиш, кўшимча ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, 2-3 йил ичида камидан 15-20 минг иш ўринлари яратиш керак. Бунинг замирида одамларни рози қилишдек эзгу мақсад муҳасам, — деди Президентимиз.

(Давоми 3-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хориқий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент, азиз қардошим!
Ўзбекистоннинг Миллий куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини ва бутун ўзбек халқини шахсан ўз номидан ва халқимдан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Қардошимиз ва дўстимиз деб билганимиз Ўзбекистоннинг Сиз, азиз қардошимнинг оқилона ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли эришаётган ютуқларини бутун дунё каби биз ҳам юқори баҳолаган ҳолда кузатыпмиз. Ўзбекистоннинг янада гўллаб-яшнаши йўлида айрат ва фидокорлик билан қилаётган сай-ҳаракатларингизни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик ва стратегик шериклик биргаликдаги сай-ҳаракатимиз билан халқларимиз манфаати йўлида янада кучайишига ишончим комил. Сизнинг оқилона раҳнамолигингизда дўст ва қардош Ўзбекистон қўлга киритаётган улкан ютуқларга шохид бўлаётганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан муносабатларимиз келгусида янада ривожланишига ишончимни тасдиқлаган ҳолда, Сиз Жаноби Олийларига сийхат-саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Режеп Таййип ЭРДЎФОН,
Туркия Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Қадри Шавкат Миромонович!

Тожикистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали бутун қардош Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этиш ва энг эзгу тилақларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Сиз узоқни кўзлаб юритаётган сиёсат ҳамда мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларидаги муҳим янгиланишлар бугун ўз самараларини бериб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини муттасил юксалтирмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ҲОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқларга қўшган муносиб ҳиссаси, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳа ва тар-

моқларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, илгор инновацион технологияларни жорий этиш борасидаги кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Абдукаримов Диамат Тухтаевич — Самарқанд ветеринария медицинаси институти кафедра профессори, Самарқанд вилояти
Аскарлов Ахмадали — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИР ГУРУҲ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ, ФАН ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва аъёнларни асраб-авайлаш ва бойитиш борасидаги фаол ва самарали фаолияти, мамлакатларимиз орасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва кўп томонлама стратегик шерикчиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагилар орденлар ва фахрий унвонлар билан мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Қоҳир Расулзода — Тожикистон Республикаси Бош вазири
Сироҷиддин Мухриддин — Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



А. Б. УСМАНОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда йирик инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган катта ҳиссаси, халқимизнинг миллий қадрияти ва бой тарихий ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистонда диний-маданий аҳамиятга эга бўлган объектларни барпо этиш борасидаги фаол иштироки, Ватанига ёшлар учун ўрнатилган даражадаги самимий муҳаббати ҳамда республикамизда туризм салоҳиятини ва спорт соҳасини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги учун таникли хамюртимиз, Россиянинг «USM Holding» акциядорлик жамияти таъсисчиси ва раҳбари Усманов Алишер Бурханович «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



В. Ю. АЛЕКПЕРОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг нефть ва газ секторини ривожлантириш ва углеводород ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хомашёни қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича илгор, инновацион технологияларни соҳага жорий этиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, йирик стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ишларига қўшган катта ҳиссаси ҳамда республикамизга юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлиги учун «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти президенти Алекперов Вагит Юсуфович «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



Н. В. КНАУФНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини ривожлантириш, соҳага илгор технологияларни жорий этиш, йирик ҳажмдаги хориқий инвестицияларни жалб қилиш ишларидаги фаол иштироки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун «КНАУФ» корхоналари гуруҳи иштирокчилари Кенгаши аъзоси Кнауф Николаус Вильгельм «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



ВАН ИЛИННИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть ва газ тармоғини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун «CNPC» компанияси директорлар Кенгаши раиси Ван Илин «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ



КЭРОЛИН ЛЭММНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг ҳар томонлама ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари, икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий соҳалардаги шерикчилик алоқаларини кенгайтириш, йирик инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш ишларида юқори касбий маҳоратини намоён этиб келаётганлиги, халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликни давомли ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун ҳамда таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэм «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Бакаев Убайдулло Амонович — Бухоро вилояти мусикали драма театри режиссёри
Гулямова Дилбар Мухамедхановна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Юсуپов Машариф — Меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Фен Виталий Васильевич — Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавкулдат ва мухтор элчиси
Ходжаев Шабат — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Эгамова Манзураҳон Иминжановна — Меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Аминова Наргиза Толибовна — Марғилон шаҳридаги «Наримтекс» қўшма корхонаси директори, Фарғона вилояти
Ашуров Мухсинджан Урамович — «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри
Ваккасов Бахтияр Абдираимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи директори, Тошкент вилояти
Джулибеков Нурмат Каршибекович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директорининг иқтисод бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Ибраймов Амангелди Айтбаевич — «Ўзбурғинефгаз» акциядорлик жамиятининг «Устюрт қидирув бургилаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти бургиловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари
Ким Константин — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи директори, Тошкент вилояти

Махкамов Шарифжон Ражабович — «Қўкон механика заводи» акциядорлик жамиятининг газ баллон цехи устаси, Фарғона вилояти
Мирзалиева Камолат Куканбаевна — Олмазор туманидаги «Аква медлайн» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри
Намазов Шароф — Жиззах вилояти «Сувоқова» давлат унитар корхонасининг сув таъминоти ва канализация объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи
Нутфуллаев Амрилло Хайруллаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси «А-320» учувчилар отряди командири ўринбосари
Орипов Шамсутдин — Меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти

Райимов Рўзикул Облоқулович — «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари
Тухтаев Кабул Мухаммадиевич — «Ўзбекнефгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари — «Ўзнефгазказибчиқариш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Уроков Хотам Мардонович — Бухоро тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти
Шермухамедова Жамила Ташпулатовна — Республика Маънавият ва маърифат маркази тариготчиси
Ядгаров Дамир Салихович — Меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Илхом Зайирович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси

Ақбаров Носир Юнусханович — Наманган шаҳридаги «Наманган тўқимачи» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти
Артиков Абдирашид Заирович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Сурхондарё вилоятидаги минтақавий вакили

Атабекова Галина Алимжановна — Андижон туманидаги «Милана текстиль» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Андижон вилояти
Ахмедов Сайфулло Норматович — Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

Ахмедов Шухрат Яқубжанович — Шайхонтоҳур туманидаги «Колор пак» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Баратова Сайёра Рахматовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Боқижонов Исломбек Исмоилович — Ангор туманидаги «Био техно эко» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Борисова Светлана Анатольевна — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси «Марказий геология-геофизика экспедицияси» давлат корхонасининг геологик маълумотларни таҳлил қилиш партияси бош геофизиги

Дадаходжаев Фаррух Саидхамедович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси

Данияров Муратбай Куанишбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

Джумаев Намаз Бегиевич — Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Жарқўрғон тумани бўйича вакили

Джўраев Бахтиёр Эркинович — «Бухоро бриллиант силк» қўшма корхонаси бош директори, Бухоро вилояти

Жуманиязов Маткарим — «Нуроний» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси

Иргашев Исматулла Раимович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили

Кастамирова Эмма Казимовна — Жомбой туманидаги «Амин инвест интернейшл» қўшма корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

Каюмов Яркин — «Нуроний» жамғармасининг Қўкон шаҳар бўлими раиси, Фарғона вилояти

Махсимов Хужакул — «Нуроний» жамғармасининг Нишон тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

Мирзаахмедов Акбарали — Республика Маънавият ва маърифат маркази Сирдарё тумани бўлими раҳбари, Сирдарё вилояти

Муллажонов Тохир Охунович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири

Назиров Ганишер Носирович — Риштон туманидаги «Риштон — Япония» маданий-иқтисодий алоқалар маркази раҳбари, Фарғона вилояти

Нематов Илхамджан — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Алоҳида топшириқлар бўйича Элчиси

Оруджов Узеир Салег-Огли — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош муҳандисининг кончилик ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

Отматуров Сарвар Садуллаевич — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

Примкулов Шербўта — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ховос тумани Кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

Ражабов Давлатназар — Урганч туманидаги «Улли ҳовли» туристик маркази раҳбари, Хоразм вилояти

Рашидов Насриддин Муродович — Бухоро шаҳридаги «Аҳолитранс» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Саидов Бахтиёр Одилович — Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавкулдат ва мухтор элчиси

Снитка Николай Павлович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош муҳандиси, Навоий вилояти

Сотиболдиев Улугбек Норхожаевич — Мирзаобод туманидаги «Бек кластер» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

Суванов Азиз Аслонович — Кармана туманидаги «Кармана голден эгз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Тажиев Бахадир Садуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари

Тиллаева Замирахон Хабибуллаевна — Андижон вилояти хотин-қизлар кўмитаси қошидаги жамоатчилик асосидаги «Қайноналар кенгаши» директори

Тумишова Аксавли Молдағалиевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси

Турдимратов Гафуржон Султанович — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг 1-қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Сирдарё вилояти

Усманова Саодат Акпаралиевна — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси агрономи, Наманган вилояти

Укимов Ақобир Азимович — Республика «Хунарманд» уюшмаси раисининг ўринбосари

Ходжаева Мавлудахон Исламовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси

Холмаматов Абдухалим — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

Худойбердиев Сувонкул Райимбердиевич — «Нуроний» жамғармасининг Янгиобод тумани бўлими раиси, Жиззах вилояти

Чориев Абдураим Равшанович — Сурхондарё вилояти «Ал-Ҳаким ат-Термизий» ёдгорлик мажмуаси директори

Осупов Алижон Нигмонбекович — Чилонзор туманидаги «Полимер пластик» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

«Жасорат» медали билан

Азизов Нишонбой Абдукаримович — Чортоқ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

Ақбарова Фотима Умархоновна — Термиз шаҳридаги «Гулбарор нури келажак» масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахмадалиева Нодирахон Набижонна — Ёзёвон туманидаги хунарманд-тикувчи, Фарғона вилояти

Бойматова Гавҳар Шерматовна — Қарши шаҳридаги хунарманд-тикувчи, Қашқадарё вилояти

Койлибаева Сарбиназ Кошкарбаевна — Нукус шаҳридаги хунарманд-тикувчи, Қорақалпоғистон Республикаси

Қодиров Салоҳиддин Мустафаевич — Хатирчи туманидаги хунарманд-темирчи уста, Навоий вилояти

Пардаева Шарафат Базарбаевна — Бекобод туманидаги хунарманд-тикувчи, Тошкент вилояти

Саидкулов Толиб Исоқович — «Ортопедия реабилитацияси» масъулияти чекланган жамиятининг Жиззах вилояти ҳудудий филиали техник протезчиси

Сапарова Дилдора Алимовна — Янгибозор туманидаги хунарманд-тикувчи, Хоразм вилояти

Тожибоева Мастураҳон Жўрамирза қизи — Пахтаобод туманидаги хунарманд-тикувчи, Андижон вилояти

Умаров Улугбек Кузихайдарович — Мирзаобод туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Сирдарё вилояти

Худоярова Зилола Исматовна — Нуробод туманидаги хунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти

Хусенов Фазлиддин Равшанович — Вобкент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Бухоро вилояти

Шодиева Гузал Уктамовна — Тошкент шаҳар кар-соқовлар маданият маркази директори

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдуалиев Нодир Уткир ўғли — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Янгиер шаҳар 6-умумий ўрта таълим мактабидagi бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

Базоров Фарид Уралович — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Гузор тумани Кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти

Жалолов Зафаржон Сайфитдинович — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сарийосиё тумани Кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

Ибрагимов Шоҳруҳ Олимович — Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг университетни талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Хоразм вилояти

Қонарбаев Давид Халбаевич — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси

Омонбоев Фазлиддин Лутфиддин ўғли — Избоскан туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Андижон вилояти

Рустамов Бобир Исमतович — Бухоро муҳандислик-технология институтининг «Тахририй нашриёт» бўлими техник муҳаррири, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Бухоро вилояти

Рустамов Сардор Мўйдинхон ўғли — Наманган давлат университетининг педагогика-психология кафедраси таянч докторанти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Наманган вилояти

Собирхонов Акбархон Азиз-ўғли — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳўзуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Тошкент шаҳри

Солиев Жавоҳир Тоиржон ўғли — Кува тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Фарғона вилояти

Суярова Зилола Сирлибоевна — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Самарқанд вилояти

Тайбагаров Еркебулан Акбергеноли — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Томди тумани Кенгаши раиси, Навоий вилояти

Ташматов Равшан Қобилович — Тошкент давлат техника университети магистранти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси (Тошкент вилояти)

«Шухрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

Абдуллаева Зарифа — Қумқўрғон тумани, Сурхондарё вилояти

Арашова Сапар — Олот тумани, Бухоро вилояти

Атажанова Санаам — Богот тумани, Хоразм вилояти

Бекбугаев Атабала — Асака тумани, Андижон вилояти

Ганиева Мўмина — Навбахор тумани, Навоий вилояти

Дармонова Бухалча — Янгиқўрғон тумани, Наманган вилояти

Касимова Мархамат — Гулистон шаҳри, Сирдарё вилояти

Мустафоқулов Муртоза — Қарши тумани, Қашқадарё вилояти

Мухаммадиев Абув — Иштихон тумани, Самарқанд вилояти

Позилова Шахринса — Учқўприк тумани, Фарғона вилояти

Розумова Аваз — Тўртқўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Хакимова Гулман — Зарбдор тумани, Жиззах вилояти

Халилова Махбуба — Яққасарой тумани, Тошкент шаҳри

Эргашова Шакарбуви — Тошкент тумани, Тошкент вилояти

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Қудрат Қосимжонвич — Наманган шаҳридаги «Наманган истиқлол боғи» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Ахмедов Баходир Атамуратович — «Урганч Бахмал» масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

Бахриева Маряна Амриевна — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Навоий вилояти ташкилоти раиси

Бегимкулов Сайдимкул Шойимкулович — Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳомашё биржаси акциядорлик жамиятининг Сирдарё филиали директори

Бурханов Акмал Эшондадевич — «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори

Дадажонов Мухаммаджон Мўйдинович — Андижон шаҳридаги «Сабо ҳамкор» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Дарханов Меҳрождин Қобилович — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Даулетмуратов Турсинбай Сапарниязович — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг Чимбой тумани бўйича инспектори

Жалилов Абдушукур Юлдашевич — «Муборак газни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамияти цех технологики қурилма оператори, Қашқадарё вилояти

Жафаров Мурод Мирзахидович — Ўзбекистон пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлар жамияти раиси

Жўраев Исраилхон Икрамович — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши раиси

Жўраев Шерзод Мусахонвич — Юқори Чирчиқ туманидаги «Мед стандарт гласс» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Искандаров Турғун Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Камалов Кахрамон Юсуфханович — Жиззах шаҳридаги «Жиззах текстиль» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

Каримов Раҳматилла Хамидиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси

Курбонов Шаҳзод Миртемирович — «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани» масъулияти чекланган жамиятининг Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизмати муҳандиси, Бухоро вилояти

Маждидов Улугбек Валиевич — Ўзбекистон Раққа қарши кураш жамияти президенти

Мамаджанова Дилбархон Раҳматовна — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раиси

Мардонов Фазлиддин Хабибович — Самарқанд туманидаги «Агрорум консерва» қўшма корхонаси директори, Самарқанд вилояти

Махматмунинов Сайфулла Набиевич — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

Мейлиева Саломат Куйлиевна — Термиз шаҳридаги «Термиз Бустон Лола» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сурхондарё вилояти

Мухаммадова Насиба Абдухамидовна — Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштириш ишчиси, Тошкент шаҳри

Мухаммадиев Анвар Усманович — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Метрология, ичимлик сув ишлаб чиқариш ва ичимлик сув истеъмолчиси ҳисобга олиш бўлими бошлиғи

Назаров Шухрат Бахтиёрвич — Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Нарқулов Олимжон Қулдошович — Зарбдор тумани электр таъминоти корхонаси электромонтёри, Жиззах вилояти

Нормуродов Анзур Авляорович — Қарши шаҳридаги «Дармон фарм» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Рахмонов Джаббар Саттарович — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Китоб тумани кен

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ГУРУХ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ, ФАН ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Низом Қосим — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси

Ташпулат Гулмуродов — Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари малакасини ошириш институтининг кардиожаррохлик кафедраси мудири

«Дўстлик» ордени билан

Али Муҳаммадиев — Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Қўлэмалар мероси фондининг бўлим мудири

Раҳим Марупов — Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг С. Умаров номидagi физика ва техника институти бош ходими

Хасан Бердиқулов — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони билан

Адхам Холиқов — «С. Айний номидagi опера ва балет академик театри» давлат муассасаси бадий раҳбари

Давлат Холов — Тожикистон Республикаси ҳукумати хузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг «Фалак» давлат ансамбли бадий раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 август

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Жанубий Кореянинг «Posco Daewoo» компанияси билан ҳамкорликда қурилган янги цехда йилга 25 минг тонна ферросилиций ва ферросилиций марганец ишлаб чиқарилади. Бу билан металл маҳсулотлар тайёрлайдиган тармоқлар талаби тўлиқ қондирилиб, йилга 8 минг тонна феррокоттишмани экспорт қилиш, шу тариқа импортдан воз кечиш, 35 миллион долларни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади. 300 дан зиёд йигит-қизлар иш билан таъминланади.

Президентимиз кўйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди. Мазкур лойиҳа қиймати 452 миллион доллар бўлиб, унинг амалга оширилиши натижасида 400 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади. Лойиҳа 2020 йилда тўлиқ якунига етказилиб, йилга 1 миллион тонна 2 — 12 миллиметр қалинликдаги пўлат листлар ишлаб чиқарилади. Бу пўлат листлар импортни камайтириш имконини беради. Йилга 350 миллион доллар тежалади. Шунингдек, янги қурилаётган Тошкент металлургия заводининг асосий хом ашёси бўлган иссиқ ҳолатда прокатланган листларга 500 минг тонналик йиллик эҳтиёж тўлиқ қопланади. Қуов-прокат мажмуасини Италиянинг «Даниели» компанияси барпо этмоқда.

Шавкат Мирзиёев комбинат иши-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг самарали қарорлар қабул қилиниши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизикди. — Кейинги йилларда комбинатда умуман ўсиш кўрсаткичлари эди. Шу боис ўтган йили уни ташқи бошқарувчига бириктирдик. Натижада ишлаб чиқариш 1,5 баробар ортди. Даромадлари кўпайган комбинат жо-

рий йилда Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 75 миллиард сўм маблағ ажратди, — деди давлатимиз раҳбари. Президентимиз Тошкент вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2019 йилларда амалга оширилган лойиҳалар билан танишди. Жумладан, Қўйи Чирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқариш, Юқори Чирчиқ туманида кишлоқ хўжалиги, Бўка туманида пахта-текстиль кластерларини ташкил этиш, Қўйи Чирчиқ туманида канопчилик соҳасини қайта тиклаш ва ривожлантириш, Оҳангарон туманида замонавий гидропоник иссиқхона очиб қатор лойиҳалар режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Маълумки, Президентимиз 2017 йил 18 август куни Бекобод шахрга ташрифи чоғида Бекобод ва Олмалик шаҳарларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тақдирини илгари сурган эди.

Ўтган бир йилда Бекободда сармоқли ишлаб амалга оширилди. 90 мунгдан зиёд одамлар иштирок қиладиган шаҳарда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қоплаш мақсадида бешта етти қаватли уй қуриб битказилмоқда. Яна бешта шундай тураржой қурилиши бошланган арафасида. Улар йил охиригача ўз эгаларига топширилади. Уйлар афроғига болалар ўйин майдончалари, автомобиллар сақлаш жойлари, замонавий савдо шохобчалари қуриш ҳам режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан ушбу янги массивга «Мустақилликнинг 27 йиллиги» деб ном берилди.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, уларни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан табриклади. — Бир йил олдин Бекободга келиб, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор режалар белгилаб олган эдик. Бугунги учрашувимизда ўша режаларнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзламоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари. — Бекободда шу пайтгача иссиқ сув йўқ эди, ичимлик суви сифати ёмонлигидан кейинги 10 йилда касалликлар кўпайган, иссиқлик ортганди. Бугун шаҳарга йирик инвестициялар жалб этиляпти, янги иш ўринлари яратилляпти. Йўлсозлик, электр энергияси ва газ таъминоти, томларни таъмирлашга эътибор қаратила бошланди. Тошкент ва Бекобод шаҳарлари оралиғида электрорезеда қатнови йўлга қўйилди. Биз бу ишлар кўламини янада кенгайтираимиз.

Бекободликлар бундай эътибор туфайли шаҳар янги қиёфа касб этгани, одамларнинг фикри, кайфияти ўзгарганини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, жорий йилда Олмалик, Янгийўл, Бекобод, Нурафшон шаҳарларида 2604 хонадондан иборат 62 кўп қаватли уй фойдаланишига топширилади.

Оҳангарон шаҳридаги Амир Темури кўчасини реконструкция қилиш, Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ ва Оҳангарон туманлари ҳудудидан ўтувчи ҳамда Тошкент — Бекобод ва Тошкент — Сирдарё автомобиль йўллари бўйлаб намунавий уйлар қуриш, вилоятда ичимлик суви таъминоти такомиллаштириш, кўмир, технологик чикинди, минерал руда

ва биомассани майдалаш, қуриш ҳамда сепарация қилиш лойиҳаларини ўқитишлари ўтказилди.

Президентимиз Бекобод туманидаги «Юсупов Гофуржон фойза» фермер хўжалигида амалга оширилган ишлар билан танишди. Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини оширадиган ва юқори ҳосил олишни таъминлайдиган деҳқончилик тизими жорий этилмоқда. Экинларни белгиланган меъерлар асосида суғориш, озиклантириш, касаллик ва зараркундаларга қарши самарали курашиш, уруғ ва ресурслар сарфини камайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Галлачилик ва пахтачиликнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўналишидаги селекция ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш чоралари қўриллаётган.

Пахта ва галла етиштиришга иxtисослаштирилган мазкур фермер хўжалигининг умумий ер майдони 78,6 гектарни ташкил этади. Жорий йилда хўжалик раҳбари Гофуржон Юсупов 31,1 гектар майдонга галла экиб, гектаридан 71 центнердан ошириб ҳосил олди. Соф фойда — 80 миллион сўм. 47,5 гектар ерга гўза экилган. Ундан ҳам 35 центнердан ошириб ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Фермер 13,5 тонна мош ва 7,5 тонна ловияни экспорт қилиш, ички бозор учун 60 тонна картошка ва 45 тонна сабзи етиштириш бўйича шартномалар тузган. Хўжаликда 35 ишчи меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари хўжалик дала шийонида вилоят фермерлари билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизнинг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан. Истиқболли, серҳосил пахта навларини яратиб, гўзани қўшқатор экиш фермер даромадини оширади. Фермер

далага чикдими, меҳнати самарасидан уй, машина олсин, фарзандларини ўқитсин, уйли-жойли қилсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, бу бўйича ҳоризонт тажрибасини ўрганиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган йирик саноат корхоналари иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Тошкент вилоятининг Заңгиота туманида барпо этилаётган Тошкент металлургия заводи шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона қурилиши билан танишди.

Лойиҳа қиймати 286,7 миллион евролик мазкур корхонага ҳорижда ишлаб чиқарилган илгор ва замонавий ускуналар келтирилади. Корхонада автомобиль кузовлари ва маши ш техника учун металл листлар, металл черепицалар, профнастил тайёрланади. Корхона тўлиқ қувватда ишга туширилган, йилга 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. 700 га яқин иш ўринлари яратилади.

Президентимиз 2017 йил февраль ойида ушбу корхона қурилиш лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Заводнинг металл конструкцияси қуриб битказилди.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди, заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётида туталган ўрни ҳақида тўхталар экан, бу ерда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Ў.А.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ушбу муваффақиятлар яқин қўшни сифатида Ўзбекистон билан кўплаб дўстлик ришталари орқали боғланган Тожикистонни ҳам қувонтирмоқда.

Халқларимизни маданий-маънавий яқинлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш, тинч ва тотув яшашга интилиш, кўп асрлик дўстлик ва яқин қўшничиликка асосланган бебаҳо тажриба боғлаб туради.

Ўзбекистон билан муносабатлар Тожикистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Биз Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг эзгу ва конструктив муҳитидан, шунингдек, ҳамкорлигимиз халқларимиз ва бутун минтақанинг туб манфаатлари йўлида изчил ривожланиб бораётганидан қатъиян қаноатланамиз.

Биз, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизнинг бу йўлдаги шахсий ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.

Яқинда гўзал мамлакатингизга давлат ташрифи давомида Сиз билан бўлиб ўтган самарали учрашувларимизни, тарихий ҳужжат — Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзолаганимизни алоҳида мамнуният билан ёдга олам.

Ишончим комил, ушбу ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида қатор кенг миқёсли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган келишувларнинг рўёбга чиқиши мамлакатларимизнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган самарали ҳамкорлигига янги ва кучли суръат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, бундан буюн ҳам Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик аъналарини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги bosқичда ривожлантиришга барча қучларни йўналтиришга тайёр эканимиз билдирам.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буюн ҳам Тожикистон ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Ушбу қутлуғ байрам кунларида Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, мамлакат раванглиги йўлидаги режаларингиз ва интилишларингиз рўёбига катта зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, бахт-саодат ва фаровонлик тиллашга ижозат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўлаган:

Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Ёқуб

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зойд Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари Қуроли Кучлари Олий бош Қўмондонни ўринбосори шайх Муҳаммад бин Зойд Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосори, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зойд Ол Наҳаён

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Аббослик ташкилоти, Ихрония қўмитаси раиси Маҳмуд Азбод

Қутловлар келиши давом этмоқда.

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Улуғвор режалар, ҳаётбахш саъй-ҳаракатлар

бугунги шиддатли ислохотлар мазмунини бойитмоқда

Мустақиллигимизнинг йиғирма етти йиллик байрами шукуҳ кезиб юрган шу кунларда мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, бугунги ютуқ ва марраларга қандай омиллар эвазига эришилганлигини янада тереңроқ идрок этамиз.

Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги bosқичига қадам қўймоқда. Фуқароларда янгица фикрлаш, ишлаш шаклланиб, юртимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси осяпти. Қувонarli жиҳати шундаки, юртдошларимиз ислохотларни рўёбга чиқаришнинг фаоли иштирокчиси айланмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар халқроқ экспертлар томонидан «шиддатли» дея баҳоланаётганлиги муҳим эътирофдир. Бу ўзгаришлар замирида инсон манфаатлари ётгани, долзарб масалалар аҳоли билан очик, мақбул ечим излаш йўли орқали муҳоама қилинаётганлиги таъкидланмоқда. Шунингдек, улар томонидан Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, прагматик ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар билан ўзаро ишонч ва дўстликнинг тикланиши муҳим воқеа бўлганлиги айтилмоқда. Негаки, асрлар давомида ёнма-ён яшаб, тўю маъракасини бирга ўтказган, қуда-анда бўлган қўшнилар чегараларининг очилиши, бозорларда савдо-сотикча кенг йўл берилиши каби ижобий ўзгаришлардан жуда хурсанд.

Юртдошларимиз қалбида шукроналик, кўтаринки кайфият ҳукм суряпти. Чўнки ислохотларнинг самарасини халқимиз ўзининг қўндалик турмушида тўла ҳис қилмоқда. «Обод қишлоқ» дастури асосида оддий қишлоқ фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий аҳво-

лини яхшилаш, дунёқараши ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали уларнинг фаровон яшашини таъминлаш каби эзгу саъй-ҳаракатлар бунинг исботидир. Мустақил юртимиз тарихида янги саҳифа очётган бундай хайрли бунёдкорликлар инсонларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаётди.

Мамлакат тараққиётидаги шиддатли ва тобора жадаллик касб этаётган ўзгаришлар, олдимизда турган улкан вазифалар ҳар биримиздан катта масъулият, ишга янгица ёндашув ва қарашларни ҳам талаб этмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатида бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастурига кўра, умумий қиймати 3 млрд. долларлик 27 та инвестициявий лойиҳани ҳаётга таъбиқ этиш бошланди. Мазкур истикболли лойиҳалар комбинатни янги ривожланиш bosқичига кўтариш, унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, фаолиятига илгор технологияларни жорий этиш, худуд аҳолиси учун 30 мингдан ортик иш ўринлари яратиш имконини беради. Жорий йилда мазкур лойиҳалар доирасида 1000 нафардан ортик кишиларнинг бандлиги таъминланади. Бу шунча оила доимий даромадга эга бўлиши билан бирга, уларнинг келгусидаги орзу-ниятлари, хоҳиш-истаклари амалга ошишига мустаҳкам пойдевор яратилди демаяқди. Иш ўринлари эга бўлган инсонлар эса, ўз навбатида, давлатимиз раванки, комбинат ривожига, фарзандлари бахту муамло учун куч-ғайратини аямасдан кемаҳт қиладилар.

Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, турмуш шароитини янада

яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Комбинат бўлимларида ишлаб чиқариш шартномилигини қўллаб ижтимоий объектлар фойдаланишига топшириляпти. Хусусан, Зарафшонда фавворалар жиҳобни ишга тушириди, Мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрами арафасида Учқудуқ шаҳрида реконструкция қилинган «Кончи» профнастилорйиси, Самарқанд вилоятининг Нуробод шаҳрида «Кўзумчўк» болалар боғчаси тўла таъмирланиб, фойдаланишига топширилади. Буларнинг барчаси аҳолига кўрсатилаятган эътибор ва рағмўрликка нмунаси бўлиб, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислохотнинг замирида, энг аввало, инсон манфаатлари турибди. Мана шундай обод ва озод юртда яшаш, улғувор режаларни рўёбга чиқаришда ташаббускор бўлиш, ушбу жараёнларда иштирок этиш — ҳар биримиз учун улкан шараф.

Кенг кўламли ислохотлар ва янги ланишлар, халқ манфаатларини қўллаб амалга оширилаётган ишлар фуқароларимизда шукроналик ҳиссини уйғотиб, келажакда бўлган инсон мустаҳкамланишига пухта замин яратаятганлиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, инсон манфаатлари устувор бўлган юртда халқ давлатдан ва ҳаётдан рози бўлади.

Кувондик САНАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори.

Ўтган вақт мобайнида олиб борилган ислохотлар натижасида миллий давлатчилигимиз мустаҳкамланди, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг шу йил 28 июндаги қарорига биноан айни

пайтда юртимизда мустақиллик айёми «Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!» широи остида муносиб кутиб олинмоқда. Бу улғувор гоя барчамиз учун буюк неъмат бўлган миллатларо тотулик ва диний бағрикенгликни, Ватанимиздаги тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни она-юртта муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қиладди.

Ҳар қадамда эзгуликлар нафаси

Мана шундай файзли кунларда ҳар биримиз босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган натижаларимизни, йўл қўйган хато ва камчиликлариимизни холисона таҳлил ҳамда сарҳисоб қилишимиз табиий. Шунингдек, давлатимиз раҳбари мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимизни фаровонлигини оқсатириш борасида илгари сураётган илгор гоғлар, улкан вазифалар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини халқимизга, айниқса, ёшларимизга етказиш, уларни илчил ҳаётга таъбиқ этишда фаол бўлишимиз талаб қилинади.

Бугун жазон ҳамжамияти Ўзбекистонни жадал тараққиёт этаётган, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларига эришаётган, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити тудан яхшиланаётган, ҳаёт даражаси изчил юксалаётган мамлакат сифатида эътироф этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, бугун ўзининг пухта ва самарали йўл эканини исботлаган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар халқимизнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Бу борада «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» деган тамойил муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли билан доимий ва очик мулоқотнинг йўлга қўйилгани уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш, турмуш даражаси сифатини ошириш имконини берапти.

Шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда жазон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб жараёнларга қарамасдан мамлакатимизда олиб

борилаётган тизимли саъй-ҳаракатлар иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни таъминлаётди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак bosқичига қадам қўймоқда.

Биргина иқтисодиёт соҳасини оладиган бўлсак, ўтган икки йиллик қисқа даврда миллий валютамиз — сўмнинг эркин конвертациясини жорий қилиш, солиқ ва бюджет сиёсатини мулоқо янги асосда қуриш, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишини янада кучайтириш, улар фаолиятини режадан ташқари ҳамда муқобил текширишларни бекор қилиш каби ўзта салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишнинг кенг имкониятлари очилди. Бу борада амалдаги тендерлар, тендерларнинг раванқ топтириб, худудларнинг хом ашё ва ресурс саноҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда, уларни жадал ҳамда комплекс ривожлантириш таъминланаётгани диққатга сазовор. Айниқса, жазон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган илгор корхоналарни қўлайитиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати юриллаётганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатда замонавий ишлаб чиқаришнинг ташкил этилаётгани ҳамда изчил ривожланаётгани, экспорт ҳажмининг тобора ортаётгани, аҳоли харид қобилиятининг муайян

тарзда юксалиб бораётгани ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортишини таъминламоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь — июнь ойларида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 4,9 фоиз ўсган. Айни вақтда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 30,6 фоизга етгани, хизматлар соҳаси ҳиссаси 45,3 фоизга тенг бўлгани ривожланган давлатлардаги мос кўрсаткичлар тенденцияларига яқинлашаётганлигини, бу, ўз навбатида, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўричилигини кўрсатади.

Халқимиз бугун ислохотлар самарасини ўз даромадларининг изчил ортиб бораётганида, яшаш шароитлари сифат жиҳатидан яхшиланаётгани миқсолида ҳис этаётди. Замонавий уй-жойлар ва истеъмол товарларига эга бўлиш билан бирга, малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш каби ҳаётий эҳтиёжлари учун ҳам шароит ва имкониятлар кенгайтирилмоқда.

Нуронийларга, кам таъминланган, турмуши оғир ва кўп болали оилалар ҳамда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, уларни уй-жой билан таъминлаш, моддий аҳолини янада яхшилаш мақсадида 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгилашган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури,



«ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН

Давлат суверенитети ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти кафолати бўлиши билан бирга, мустақил ташқи сиёсат юритиши учун пойдевор ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси ҳам бугун минтақада, қитъада ва бутун жаҳонда ўз сўзига эга давлат сифатида тинчликпарвар, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган дипломатияни амалга оширмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатдаги фаоллашуви, Марказий Осиёдаги интеграциялашув жараёниларга туртки бўлган яхши қўшничилик алоқаларининг ўрнатилиши, халқаро майдонда илгари сурилган конструктив ташаббуслари кўплаб давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, экспертларнинг эътирофига сабаб бўлмоқда.
Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида «Халқ сўзи» мухбирлари хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилиб, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, фаол ва прагматик ташқи сиёсат ҳақидаги фикрлари ҳамда Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан ўзбек халқига байрам тилаklarини ёзиб олди.

ЭЪТИРОФ

Владимир ТЮРДЕНЕВ,
Россия Федерациясининг
мамлакатимиздаги Фавқулодда
ва мухтор элчиси:



— Мустақил йилларида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш имконини берувчи замонавий давлат ва жамоат институтларини шакллантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Айни дамда республиканинг бундай ривожланиши нафақат мамлакат раҳбариятининг, балки ўзининг меҳнатсеварлиги, қатъияти ва машаққатлардан ҳайиқмаслиги билан ном қозongan бутун ўзбек халқининг ҳам хизматидир.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатда олиб борилаётган улкан миқёсдаги ислохотлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ижобий ўзгаришларга, иқтисодий модернизация қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш омилли бўлмоқда. Мисол учун, биргина валютани эркин конвертация қилишга йўл очилгани хорижий, хусусан, россиялик инвесторларнинг ҳавотирларига барҳам берганини айтиш жоиз.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кенг миқёсда изчил ривожланмоқда. Хусусан, россиялик мутахассислар ўзбек ҳамкасблари билан солиқ, молия ва кадастр соҳаларида фаол тажриба алмашмоқда.

Ишончим комилки, миллий иқтисодий салоҳиятини тўла очиб, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган янги-янги ислохотлар Россия — Ўзбекистон алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бутун Марказий Осиёда барқарорликни сақлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ахлининг байрамлари бизнинг бу ердаги ватандошларимиз, турли соҳаларда иш олиб бораётган россиялик мутахассислар ва тадбиркорлар, дипломатлар — умуман, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизни асрлар мобайнида боғлаб келган дўстлик ва ҳамфикрлик ришталарини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган барча учун муҳим воқеадир.

Ўзбекистонликларни Мустақиллик куни билан чин юракдан муборакбод этаман! Барчага мустаҳкам соғлиқ, эзгулик ва фаровонлик тилайман! Хонадонингиздан тинчлик-хотир-жамлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат аримасин!

Аҳмед Башар ШЕН,
Туркия Республикасининг
мамлакатимиздаги
Фавқулодда
ва мухтор элчиси:



— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришганидан буён жадал ислохотлар жараёни бошланди ва бу изчил давом эттирилмоқда. 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон халқининг иқтисодий фаровонлигини юксалтириш, давлат ва ҳуқуқ тизимини ҳам ҳар томонлама раванқ топтириш мақсадларини қамраб олган.

Бу даврда дастлаб иқтисодий ва ҳуқуқ тизими, сўнг деярли ҳар бир соҳада кенг ислохотлар амалга оширилди. Уларнинг бир қисми ҳозирда нўқ натижа бермоқда. Ички ишлар, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда юз берган ўзгаришларни Ўзбекистон халқи, албатта, юқори баҳолайди.

Президент Шавкат Мирзиёев даврида мамлакатнинг ташқи алоқаларда эришган ютуқларини уч йўналишда кузатиш мумкин. Булар — икки томонлама алоқалар, минтақавий мавзулар ва кўп томонлама муносабатлар. Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон даставвал қўшилди, сўнг барча давлатлар билан муносабатларда катта қадам ташлади. Бунинг натижасида эса савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкам-

ланиб, Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳлар кўпайганига, маданий, илмий, техник каби қатор соҳаларда ўсиш кузатилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу маънода, Туркиянинг ҳам олдинги сафлардан ўрин олиши биз учун қувончлидир.

Президентимиз Режеп Таййип Эрдуғон Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига сайланганидан сўнг Ўзбекистонга икки маротаба, мамлакатнинг раҳбари эса Туркияга бир маротаба ташриф буюрди. Қисқа муддатда муносабатларимиз Стратегик шериклик даражасига кўтарилди, савдо айланмаси ҳамма йиллик ўртача 30 фоиз кўпайди. Ўзаро муносабатларимизда эришилган марраларни баътафсил қозғашга тушириш учун кўп сифатлар керак бўлади. Бироқ мен қўшқача қилиб, ҳамма соҳаларда катта ўзгаришлар юз берганини таъкидлаш билан кифояланаман.

Ташқи алоқаларнинг иккинчи қир-

раси бўлган минтақавий соҳада Шавкат Мирзиёевнинг президентлик даврида Ўзбекистон муҳим одимлар ташлади. 2017 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ҳамкорлиги мавзусидаги конференция, мазкур анжуман чоғида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббус билан 2018 йил март ойида Остона шаҳрида ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви жараёни, шунингдек, 2018 йил март ойида Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган Афғонистон бўйича конференция мамлакатимизнинг ўз минтақасида тинчлик, барқарорлик, ҳавфсизлик ва мулоқотни мустаҳкамлаш бўйича ташлаган улкан қадамларидир.

Қардош Ўзбекистон халқининг ўз мустақиллигига эришган кун биз учун ҳам байрамдир. Ўзбекистон истиклолини биринчилардан бўлиб тан олган давлатнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида қардош юртва мустақиллиги абадий бўлишини, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган ислохотлар жараёни муваффақиятли давом этишини истаётман. Турк халқи ва шахсан ўз номидан чин кўнгилдан Ўзбекистон ахлига тинчлик, осойишталик ва барқарорлик тилайман. Турк ва ўзбек халқларининг давлатларининг қардошлиги абадий бўлсин!



Виолет де ВИЛЬМОР,
Франция Республикасининг
мамлакатимиздаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан халқингизга ўз табрикларини йўллайман ва бахт-саодат ҳамда фаровонлик тилайман. Қолаверса, ҳозирги даврда республика чиқиб олган юксалиш ва тараққиёт йўлини олқишлайман.

Франциянинг Европа бўйича ва ташқи ишлар вазири Жан-Ив Ле Дриан қайд этганидек, МДХнинг барча давлатлари ичида Ўзбекистон ниҳоятда тараққиётпарвар ва чуқур ислохотларни амалга оширмоқда. Мис-

ли кўрилмаган дипломатик ва иқтисодий очиклик жараёни бошланди. Франция тўлиқ қўллаб-қувватлайдиган яхши қўшничилик сиёсати шарофати билан Тошкент Марказий Осиёнинг барча мамлакатига фойда келтирадиган ҳамкорликнинг янги динамикасини яратишнинг улдасидан чиқди, халқаро майдонда унинг овози баландроқ эшитилмоқда ва натижада минтақа халқаро ҳамжамиятда ўзини янада мустақил намоён эта олади.

Ҳозирги давр икки томонлама алоқаларимиз тарихида янги саҳифани очиб учун энг муносиб паллади. Зеро, Эммануэль Макрон сайёҳаракатлари билан Францияда инновациялар, янги технологиялар соҳасида ўзгаришлар ва модернизация жараёнлари, Парижнинг молиявий, академик ва илмий марказ сифатидаги жозибдорлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга оширишга киришилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил Францияга амалга оширадиган ташрифида айнан шу жиҳатларга урғу берилди. Шахсан ўзим буни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Жон МАКГРЕГОР,
ЕХХТнинг мамлакатимиздаги
лойиҳалари координатори:

— 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси иш-лаб чиқилгани ва у жадал суръатда ҳаётга татбиқ этилаётгани давлат юрифтаётган сиёсат узоқ келажакни кўзлагандан далолат беради.

Ҳаракатлар стратегиясини атроф-лича ўрганиш шуни кўрсатдики, у ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар билан қарийб 90 фоиз ўзаро мувофиқ келади. Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган барча чора-тадбир битта эзгу мақсадга, яъни давлат халққа хизмат қилиши керак, деган гоини рўйбга қиришга қаратилган. Бинобарин, ЕХХТ ҳам айнан одамлар фаровонлигини кўзлайди.

ЕХХТ истикболда, яъни 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилиши даврида Ўзбекистон Республикаси билан ҳар йили ҳамкорлик бўйича имзоланадиган «йўл хариталари» асосида шериклик муносабатларини



режалаштиришда давом этади.

Ҳар бир давлат учун мустақилликка эришиш тарихий воқеа саналади. Бу санда, байрам кунинда ҳар бир киши чекири гуруҳ ҳиссини туйди. Шу маънода, ЕХХТнинг вакили сифатида ўзбек халқини Мустақиллик айёми билан самимий қўллаб-қувватлайман. Мен учун бу заминнинг минг йилларга бориб тақаладиган тарихи катта таъсир кўрсатди, бундан фахрланаман. Энг муҳими, мен Ўзбекистонда дўстларим ва ҳамкасбларимиз билан бирга яшаб, мамлакат келажига қомил ишонч билан қарайман. Ўзбекистон халқига эзгу ниятларимни йўллайман.

Содиқ ИМОМИ,
Тожикистон Республикасининг
мамлакатимиздаги Фавқулодда
ва мухтор элчиси:



— Тожикистонда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар катта қизиқиш билан кузатиб бориляпти. Тожикистон Президенти

Эмомали Раҳмон Ўзбекистон етакчиси шундай деган эди: «Сиз томонингиздан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларидаги жуда муҳим ислохотлар бугуннинг ўзидаёқ ижобий натижалар бераётди, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори муттасил юксалиб бормоқда. Тожикистон яқин қўшни сифатида дўстлик ришталари билан боғланган Ўзбекистоннинг ушбу муваффақиятларидан чин дилдан қувонади». Уйлашимча, бу сўзларнинг ўзи жуда кўп нарсани аңглатади.

Фақат шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг дунё сари очиклик сиёсати инвестициялар, туристлар оқимини жалб этиш учун ноёб имконият тақдим этади. Бу эса иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кучли туртки беради. Ўзбекистон табиий ресурслар, та-

рихий ва меъморий ёдгорликларга, энг муҳими, интеллектуал салоҳиятга бой мамлакатдир. Бу бебаҳо капиталдан ушбу замин гуллаб-яшнаши йўлида тўлиқ фойдаланишга интилаётган мамлакат раҳбарияти ҳар қанча эътирофга лойиқ. Минтақамиз юраги бўлмиш бу ўлкада туриб, биз Ўзбекистон халқи ўзгаришларни қандай кўтаринки руҳда кутиб олгани ва янгиликларда нақадар зўр шижоат билан иштирок этаётганига бевосита гувоҳимиз.

Улғу байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида қардош Ўзбекистон халқини, унинг раҳбариятини чин дилдан муборакбод этиб, мазкур кўҳна ва нақвирон, гуллаб-яшнаётган юртга тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида янги-янги муваффақиятлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН УНИ ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА КЎРА ЎТҚАЗИЛГАН

Ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари бўйича:

- 1-ўрин:**
Абдували Кутбиддинов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, шоир, «Халқ сўзи» газетаси ижодий ходими — Республика марказий нашрларида эълон қилинган «Мадади Сино», «Шоир руҳи ёниши шартми?», «Дунё ўзгарди», «Шамоллар шивирлар бодом шоҳида», «Сўнги парвоз» каби адабиётни, китобхонликни ҳамда ижод оламни теран таҳлил этган маънавий-маърифий, бадий эссе ва лавҳалари учун.
- 2-ўрин:**
Дилфуса Шомаликова, ёзувчи, «Гунча» журнали бош муҳаррири (Тошкент шаҳри) — «Турпоқ ўйнаётган бола» бугунги кун боласининг эзгу орзулари, ҳаётда ўз ўрнини топишга бўлган интилишлари бадий талқин қилинган тарбиявий қиссаси учун.
- 3-ўрин:**
Мурод Тиллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси аъзоси — Ешларнинг ҳарбий соҳага қизиқишлари, миллий армиямизни ислох этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг усмирлар руҳиятига мос тарзда бадий образлар воситасида ёритилган «Темурбеклар мактаби» ноли бадий қиссаси учун.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кластер тизимига оид туркум материаллари учун.

2-ўрин:
Андижон вилояти Балиқчи тумани ҳокимлигининг «Галаба» газетаси таҳририяти (бош муҳаррир Шаҳзода Каримова) — Республикада амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, «Хар бир оила — тадбиркор», «Обод қишлоқ», «Ешлар — келажакимиз» дастурларининг Балиқчи туманидаги ижросига оид туркум материаллари учун

3-ўрин:
Хайрулло Астанақулов, «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудрили — «Юрт таянчидир — бу алл ўғлонлар», «Ўзбек — афғон чегарасидаги таассуротлар», «Берлин осмонини кесиб ўтган биринчи ўзбек» каби ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги туркум материаллари учун.

Рағбатлантирувчи мукофот
Адолат Файзиева, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг «Поста» газетаси муҳбири — «Поста» газетаси ҳамда «Қалқон» журналида чоп этилган ешлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга оид «Бирни кўриб фикр қил», «Гўдакнинг баҳоси бўладими?», «Қинғир ишининг қийми» каби туркум таҳлилий мақолалари, шунингдек, «Тинчлигимиз абадий бўлсин», «Муқаддасан она юрт, муқаддасан астиқлол», «Сўзи — ҳикмат, ҳатери — ибрат», «Бахтли умр соҳиби» каби маънавий-маърифий материаллари учун.

Манзура Шамсиева, «Гулистон» журнали бўлим муҳаррири — «Мустақиллик ва тараққиёт» рўқинда эълон қилинган туркум мақолаларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини чуқур очиб бергани учун.

Рағбатлантирувчи мукофот

Амир Файзуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, «Жаҳон адабиёти» журнали бўлим муҳаррири — Марказий нашрларда жаҳон адабиётининг дурдона асарлари тарғиботида бағишланган чиқишлари, китобхонлик маданиятини кенг тарғиб этиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун.

Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари бўйича:

- 1-ўрин:**
Саид Раҳмонов, «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири —



«Энг улуг, энг азиз» танлови ғолиблари аниқланди


Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан «Энг улуг, энг азиз» анъанавий республика танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Рағбат

Турли вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ҳамда санъат соҳаси намояндalари, журналистлар иштирок этган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари, нашриёт ҳамда матбаачилик ривожига юксак эътибор қаратилаётгани, бу борада, айниқса, мавжуд қонунчиликини такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техника салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод ахлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох этиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича 300 нафарга яқин ижодкордан қарийб 2 мингта ижодий иш келиб тушган. Тақдим этилган асарларда, энг аввало, «Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!» деган эзгу гоини ўзида мўжассам этган, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоиялар ва техноло-

Мухаммадjon АХМАДЖОНОВ.
Динара ЧИРКОВА олган сурат.



ИСЛОҲОТЛАРНИ ТўЛА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!»

Нобука ИТО,
Япониянинг мамлакатимиздаги
Фавкулда ва мухтор элчиси:



— Ўзбекистонда иш бошлаганимга икки йил бўлди. Утган вақт давомида мамлакат Президенти, мухтарам Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган ва муваффақият билан давом эттирилаётган кенг миқёсдаги ўзгаришларга шахсан гувоҳ бўлиб турибман. Эътиборлиси, мазкур ислохотлар нафақат катта кўлам касб этмоқда, балки жадал суръатлар билан олиб борилаётган. Ўзгаришлар иқтисодий, сиёсат, ҳуқуқ ва бошқа кўлаб соҳаларни камраб олди. Ўзбек матбуоти орқали деярли ҳар куни бирор масалага бағишланган Президентнинг янги Фармони ва қарорига кўзим тушади. Ушбу ислохотларнинг ҳар бири, шубҳасиз, жамият ва давлат тараққиёти сари ташланган навбатдаги қадамга айланапти. Масалан, ўтган йил сентябрь ойида қабул қилинган валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича Фармон мамлакатингиз тadbirkorлари билан бирга, Ўзбекистонга инвестиция киритмоқчи бўлган хорижий компаниялар учун ҳам жуда катта янгилик бўлди. Айтиш мумкин, Осиё тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки сингари йирик халқаро молия муассасаларининг Ўзбекистон иқтисодиётида фаол иштирок этиши учун ҳам йўл очилди.

Мамлакатингизда бошланган ислохотлар жараёнини Япония ҳукумати ва жамоатчилиги, шахсан ўзим диққат билан кузатиб бораётиман. Бу илғор ташаббуслар ҳозирданок реал натижалар бера бошлаганини эътироф этган ҳолда, улар яқин келажикда иқтисодий-ижтимоий тараққиётга кучли ижобий таъсир кўрсатишига ишониман. Мамлакатингиз раҳбарияти билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали кўйилган улкан мақсадларга эришишда ўз ҳиссамни қўшишга умид қиламан.

Ўзим яқинда бутун ўзбек халқини Мустақилликнинг 27 йиллиги билан муборакбод этаман! Турли лойиҳаларимизни муваффақиятли рўёбга чиқаришимизда иштирок этган, ёрдам берганларга миннатдорлигимни билдираман. Барчангизга оилавий бахт, мустақам соғлиқ ва ишларингизда ривож тилайман!

Гусейн ГУЛИЕВ,
Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги
Фавкулда ва мухтор элчиси:



лик, барқарорликни, балки кўшни давлатлар билан алоқаларни ҳам мустақамлашга хизмат қилди. Бу, ўз навбатида, мамлакат салоҳия-

Мосуд МАННАН,
Бангладеш Халқ Республикасининг
мамлакатимиздаги
Фавкулда ва мухтор элчиси:



— Бангладеш ва Ўзбекистонни кўплаб халқаро масалаларда нафақат яқин ҳамкорлик ва позициялар, балки маданийлар умумийлиги бирлаштириб туради. Бизда худди сиздаги каби Бобурийлар сулоласи вакиллариининг цивилизациялар ривожига қўшган ҳиссаси чуқур ҳур-

мат билан тилга олинади ва қадрланади. Бобурийнинг невараси Акбар ҳукмронлиги даврида амалга киририлган Бенгаль тақвимида ҳамон Бангладешда фойдаланиб келинади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгори сурилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатдаги улкан ўзгаришларнинг ўзига хос "йўл харитаси"га айланган. Ўзбекистон раҳбари "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида давлат ҳокимияти олдига халққа яқин бўлиш вазифасини қўйди.

Бу борчада иқтисодий тараққиёт, ижтимоий соҳани такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мазкур ишлар марказида эса замонвий билим ва кўникмаларга эга малакали кадрлар туриши лозим. Таълим тизимидаги туб ўзгаришлар ҳам айнан шунга йўналтирилган. Ўйлашмишча, бизнесни кўллаб-қувватлаш ва халқ билан яқинлашиш Ҳаракатлар

тини сезиларли даражада ошириди.

Озарбайжонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистон имиджини яхшиламоқда ва давлат учун жуда зарур бўлган инвестицияларни жалб қилаяпти, дея ҳисоблашади. Мамлакат иқтисодиётининг кўплаб тармоқлари ислохот этилди ва йирик корхоналар очилди. Пировардида иқтисодий ўсиш, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиёт ва экспортни диверсификация қилиш каби кўлаб мақсадларга эришилмоқда. Қардош Ўзбекистоннинг мустақиллик ва давлатчиликни мустақамлаш йўлидан ишонч билан кетаётган

ни, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги муваффақиятлари бизни чин дилдан қувватлади. Озарбайжон ва Ўзбекистонни аънавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради. Ишончмисан, халқимиз хоҳиш-иродасига йўғун бўлган ўзаро ишонч ва кўллаб-қувватлашга асосланган икки томонлама алоқаларимиз янада ривожланади ҳамда мустақамлашни бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Мустақиллик куни муносабати билан ўз номим ва элчи хона ходимлари номидан Ўзбекистон халқини табриклиман ва мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини тилайман.

Эдуардс СТИПРАЙС,
Европа иттифоқининг
Ўзбекистондаги делегацияси
раҳбари:



— Европа иттифоқи Ўзбекистонни 2017 — 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида акс этган ислохотларни кўллаб-қувватлашни бир неча бор билдирган. У биргалликда дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда устувор йўналишларни белгилашда мустақам асосдир. Ўзбекистондаги ислохотлар Европа иттифоқи билан ҳам, минтақадаги қўшнилар билан ҳам ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб бермоқда. Биз Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлари фаол ривожланаётганига, хусусан, чегараларни мувофиқлаштириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг янги шакллари йўлга қўйиш борасидаги интилишларига гувоҳ бўляпмиз. Янгитдан вужудга келаётган "иқлим" минтақавий тараққиёт лойиҳаларида ижобий ақс этиши, шубҳасиз.

Шунга эътибор қаратишни истардимки, Ўзбекистон билан Европа иттифоқи ўртасидаги муносабатларда сифат жиҳатдан янги босқич бошланди. Иттифоқнинг Олий вакили Федерика Могерини Ўзбекистонга икки бор ташриф буюрди. Бу мамлакатга нисбатан кучли қизиқиш ва икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун жиддий интилишдан далолатдир.

Ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари орасидан экстремизм сингари салбий ҳодисаларнинг олдини олиш вазифаси бўлмиш сифатли таълим тизимини шакллантириш, қонун устуворлиги, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш ҳамда табиий ресурслар, шу жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳавфсизликни таъминлаш йўлидаги интилишларни кўллаб-қувватлашни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Энг муҳими, қонун устуворлигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясида давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига эришишнинг шарти деб белгиланган.

27 йил — инсон учун ҳам, мамлакат учун ҳам навқирон ёш. Бу мақсадларга эришишда туганмас кучгайрат ва журъат ёшидир. Ўзбекистон бу йиллар давомида мустақилликни мустақамлаш, замонвий давлатчиликни шакллантириш борасида кўп нарсаларга эришди. Айтиш мумкин, қонун иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига чиқиб, фуқаролик позицияси ва ташаббусларига эга бўлган илғор жамият қуриш йўлида изчил саъй-ҳаракатларни олиб борапти. Шу маънода, Ўзбекистон фуқароларига ислохотларни ҳаёtgа татбиқ қилишда муваффақиятлар ва қатъият тилайман. Ушбу жараёнда қарс икки кўздан чиқшини унутмаслик керак. Бу дегани кўзланган марраларга етиш учун давлат билан бирга ҳар бир фуқаро кўйдан келган барча эзгу ишларни қилмоғи лозим. Бу йўлда сизнинг ажойиб мамлакатингиз ва халқингизга чин дилдан муваффақият тилайман!

«Халқ сўзи» мухбирлари
Омонулло ФАЙЗИЕВ,
Ботир ҒОҒУРОВ,
Сайджон МАХСУМОВ эътибор олд.

Оливье ШАВ,
Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги
Фавкулда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, ислохотлар Швейцария ҳукуматининг ҳам, хусусий секторининг ҳам эътиборини тортиди. Янгиланиш жараёни ҳали узоқ давом этиши тушунарли, улар тўхтаб қолмаслиги ва муваффақият қозониши учун етарли асослар бор. Буни ўзбек халқининг яшаш сифати бутунлай ўзгариб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати, айниқса, капитал ва инновациялар бораси-

да кўмакка эҳтиёж сезаётган бугунги даврда Швейцария ўзи фаол бўлган, Ўзбекистон вакиллари анчадан буюн иштирок этаётган Бреттон-Вуд молия институтлари ҳамда ЕТББ йўналиши орқали мамлакатни ҳар томонлама кўллаб-қувватлайди.

Биз ҳам Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларни тўла қайта ташкил қилаямиз ва раҳбарият, хусусан, яқинда Ўзбекистонга ташрифини амалга оширган

иқтисодиёт вазири Йоханн Никлаус Шнайдер-Амманнинг тавсияларидан сўнг ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқмоқчимиз.

Биз, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган БМТ ташкилотлари, жумладан, Жаҳон банки томонидан тақдим қилинган чўқур таҳлилларни ўрганиб чиқдик ва ушбу тадқиқот ҳамда ундаги тавсияларни амалга оширишда кўмаклашишга тайёрмиз.

Ўз навбатида, охириги пайтда швейцариялик тадбиркорлар ҳам мамлакатингизга тез-тез келмоқда, икки давлат бизнес вакиллари ўртасида узоқ муддатли ва ман-

фаатли битимлар тузилапти. Қолаверса, Швейцариядан тобора кўпроқ саёҳатчилар, хатто ҳаво шари учувчилари ҳам (Самарқанд ва Бухорода парвозлари йўлга қўйилган ҳаво шарлари назарда тутилмоқда — таҳр.) ташриф буюриб, бу гўзал диёрингизнинг бетакрор табиати, маҳобатли тарихий шаҳарлари ва, албатта, меҳмондўст ўлкадаги ажойиб санъат ва меъморчилик дурдоналаридан баҳра олапти.

Байрам муносабати билан ўзбек халқига ва мамлакат раҳбариятига энг яхши ниятларимни билдираман. Ватанингизни ривожлантириш



йўлидаги интилишларингизда муваффақиятлар, тинч ва фаровон келажак тилаб қолам!

РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ ВА “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” РЕСПУБЛИКА КўРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ВА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОҒОТ СОҲИБЛАРИ

Интернет журналистикаси йўналиши бўйича (Оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатида олинган веб-сайтлардаги материаллар):

1-ўрин:
Азизбек Абдувалиев, www.daryo.uz веб-сайти тахририяти Наманган вилояти муҳбири — Юртимизда олиб борилаётган ислохотларга фаол муносабати, туркум таҳлилий материаллари, Марказий Осиё минтақавий экология марказининг "UzWaterAware" лойиҳаси доирасида эълон қилган мақолалари учун.

2-ўрин:
Сайёра Шоева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайти етакчи муҳаррири — Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларга бағишланган туркум мақолалари, жамиятдаги ўз эҳимини кутаётган масалаларни ёритишдаги фаол иштироки ҳамда тарихий маззуларда эълон қилинган материаллари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотгани учун.

3-ўрин:
Фахрулло Ҳамидуллаев, www.upl.uz веб-сайти бош муҳаррири — Сўнгги йилларда юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар таҳлилий бағишланган туркум публицистик мақолалари, қизикarli сўхбат ва очерклар учун.

Рағбатлантирувчи мукоғот
Руслан Налбантов, Республика болалар ва ўсмирларининг "Класс!" газетаси муҳбири — www.klass.uz веб-сайтида ёритилган болалар ижодиёти марказларининг фаолияти, Халқ таълими вазирлиги томонидан олиб борилаётган ислохотлар, мактаб ўқувчилари учун яратилаётган шарт-шароитлар, фан, таълим-тарбия масалаларига бағишланган туркум материаллари учун.

Рағбатлантирувчи мукоғот
Мийригул Пирназарова, Қорақалпоғистон ахборот агентлиги шарҳловчиси — Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-сиёсий

хаёти, ҳудудда юз бераётган ўзгаришларга бағишланган туркум публицистик мақолалари учун.

Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича:

1-ўрин:
Тўлқин Яркулов, "Маҳалла" радиоканали катта муҳаррири — "Халқ орасида", "Жараён", "Сехрли қалпоқча" туркум таҳлилий-танқидий эшиттиришларида давлат идораларининг халққа хизмат қилаётгани, бу жараёнда юртимиз маҳаллаларида учраётган мавжуд муаммолар ва уларга инсон манфаатлари йўлида ечим топилаётгани ўзига хос журналистик маҳорат билан очиб берилгани учун.

2-ўрин:
Рухсора Ғофурова, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот лойиҳаси раҳбари — Қашқадарё вилоятидан турли соҳалар бўйича тайёрлаган таҳлилий-танқидий лавҳалари учун.

3-ўрин:
Гулюз Сиддиқова, "Маданият ва маърифат" телеканали муҳаррири — "Журналист касбини ўзгартириш" туркум таҳлилий кўрсатувларида автосаноат, чегара, ёнғин хавфсизлиги, темир йўл, фавкулдада вазиятлар, меҳмонхона, ҳайвонот боғи ва бошқа соҳалар мисолида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган мақсад-вазифаларнинг давлат ва жамият томонидан бажарилиши журналистик синчков нигоҳ билан очиб берилгани учун.

Рағбатлантирувчи мукоғот
Наргиза Камолова, "Ешлар" радиоканали муҳаррири — "Инновация", "Синфдош", "Аскарлар", "Бизнес консультант", "Юридик клиника", "Мўъжаз қаҳвахона" каби радиодастурларда

мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида ёшларнинг ўрни, уларнинг инновацион ғоя ва лойиҳаларни ҳаёtgа татбиқ этиш имкониятлари, бизнесни ривожлантиришда замонвий ёндашувлар маззулари бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлилий очиб берилгани учун.

Зиёвуддин Ҳакимов, "Рухсор" FM радиостанцияси бош муҳаррири (Фаргона вилояти) — Туркум ижтимоий роликлари, ижтимоий лойиҳаларда мустақиллик берган имкониятлар асосида юртимизда тинчлик, осоишталик ҳукм сураётгани, миллатлараро тотувлик, баргикенглик туйғуларининг ҳаётдаги ўрнига бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича:

1-ўрин:
Артём Холов, Жиззах вилояти "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси дизайнери — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, халқимиз қўлга киритаётган ютуқлар, замондош қаҳрамонлар, мустақилликнинг дадил одимлари мавзудаги туркум дизайнерлик ишлари учун.

2-ўрин:
Нажотбек Жўрабоев, китоб графикаси бўйича расм (Андижон вилояти) — Сўнгги йилларда етакчи наشريётларда чоп этилган бир қатор болалар китобларига ишлаган иллюстрациялари учун.

3-ўрин:
Оқил Ғулмомов, Ўзбекистон Бадиий академияси фоторассомлар шўъбаси аъзоси, фоторассом — 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳамда фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этишни фотосуратларда кенг тарғиб қилгани учун.

Рағбатлантирувчи мукоғот

Достон Қурбанов, маҳобатли ранг тасвири расм (Қашқадарё вилояти) — "Муқаддас кўрғон", "Наврўзи олам", "Ҳазирама кун", "Ҳосил терими", "Мовий ранг қуш", "Зийнат қиш", "Болалик оқшоми" номи тасвирий асарлари учун.

Кино санъати асарлари бўйича:

1-ўрин:
Жасур Исҳоқов, Ўзбекистон кино арбоблари уюшмаси аъзоси, кинорежиссёр, сценарист — Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг яқин қўшничилик, азалий дўстлик алоқаларига, турли соҳалардаги ҳамкорлигига бағишланган "Ягона осмон остида" ҳужжатли фильмдаги муаллифлик ва режиссёрлик иши учун.

2-ўрин:
Сардор Нозимов, режиссёр, (Самарқанд вилояти) — Ватанпарварлик мавзусидаги "Жондан азиз" тўлиқ метражли бадиий фильмдаги режиссёрлик иши учун.

3-ўрин:
Музаффар Шодиев, "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри — "Дадам бетоб" ва "Ҳазонрезги" бадиий фильмларидаги иккинчи режиссёрлик ишлари учун

Рағбатлантирувчи мукоғот

Дилшод Жуманиёзов, киномонтажи — "Кейинги бекат", "Комилжон Отаниёзов", "Шароф Рашидов" ҳужжатли фильмларидаги монтаж иши учун.

Бекзод Маннонов, мультимедиа-рассом — "Нўхатполвон" болалар учун мультфильмдаги рассомлик иши учун.



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — республикаимиз Мустақиллигининг **27 йиллиги** билан самимий муборакбод этади!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда омад ва муваффақиятлар, хонадонингизга файзу барака тилайди.

Юртимиздаги тинчлик ва жадал тараққиёт абадий бўлсин!

Тақдимот

Мард ўғлонлар номи барҳаёт

Эл-юрт тинчлиги, бахту саодати, фаровонлиги учун жон фидо қилганлар ҳеч қачон унутилмайди, уларнинг порлоқ хотираси қалбларда мангу ашайди.



вомида халқимиз юксак марралар ва тараққиёт сари дадил одимлар экан, баъзан оғир, мураккаб ва машаққатли кунларни ҳам бошдан кечирди. Ватанимизнинг кўплаб асл фарзандлари истиклолни асраш, тинчликни таъминлаш, халқимизнинг кадр-киммати, ор-номусини ҳимоя қилиш, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши курашларда буқилмас ирода ва жасорат намунасини намойиш этиб, ҳалок бўдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан чоп этилган "Мард ўғлонлар номи барҳаёт" китоби тақдимотида бу алоҳида таъкидланди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари ходимлари, ижодкор-зиёлилар, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти йўлида қурбон бўлган инсонларнинг ота-оналари ва яқинлари қатнашди.

"Мард ўғлонлар номи барҳаёт" китоби "Ўзбекистон" нашриёти томонидан 10 минг нусхада чоп қилинди.

Қайд этилганидек, мустақил Ўзбекистонимизнинг ўтган 27 йиллик тарихи да-

— Юртдошларимиз мард, жасур ва фидойи ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди, — дейди Мудофаа вазирлиги вакили, полковник Мақсуд Абилов. — Уларнинг ибратли умри эл-юрт тинчлиги ва келажаги учун керак бўлса жонини ҳам беришга тайёр тура олиш борасида ёшларимизга доимо ўрнак ва намуна бўлиб қолади. Шу маънода, фидойи ўғлонларнинг шарафли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи китоб мамлакатимиздаги барча ҳарбий қисмлар, маҳаллалар, таълим муассасалари кутубхоналаридан жой олишига ишонаман.

Тадбирда ўз хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг яқинларига эсдалик совғалари топширилди.

Дилшоҳ КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

АТ «Алоқабанк» жамоаси

Қадрли юртдошларимиз ва банк миждошларини энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз Мустақиллигининг **27 йиллиги** билан **ини дилдан муборакбод этади!**

Юртимиз равнақи, мард ва тинчи халқимиз фаровонлиги йўлидаги буювдорлик меънатинида улкан Зафарлар ёр бўлсин!
Барчангизга соғлам-саломатлик, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик тилаймиз!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлашлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.25 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6